ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ИККИНЧИ СЕССИЯСИ

# КЕЧА СЕССИЯДА

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар зали улуғвор ва тантанали тусда безатилган. Кеча, 24 январьда, буерда ўзларининг навбатдаги сессиясига келган халқ вакиллари — республика давлат ҳокимияти олий органининг депутатлари тўпландилар. Сессия қатнашчилари орасида — қардош қозоқ халқининг вакиллари ҳам бор. Улар Тошкентга ўзбек халқи учун қувончли хабар олиб келдилар. 21 январьда Қозоғистон ССР Олий Совети Жанубий Қозоғистон областининг Бўстондиқ районини ҳамда Мирзачўл территориясининг бир қисмини Ўзбекистон ССР составига топширишни СССР Олий Совети Президиумидан илтимос қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

...Кундуз соат 2. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг а'золари, министрлар президиум ложаларидан жой оладилар. Раислик қилучи — республика Олий Совети раисининг ўринбосари **Н. Жапақов** Ўзбекистон ССР тўртинчи чақириқ Олий Советининг иккинчи сессиясини очиқ деб э'лон қилади.

Кун тартиби ва сессиянинг иш тартиби тасдиқланади. Сессия бир овоздан депутат **О. Ҳ. Ҳакимовни** Ўзбекистон ССР Олий Советининг раиси қилиб сайлайди.

Сессия Ўзбекистон ССР блан Қозоғистон ССР ўртасидаги республика чегарасини ўзгартириш тўғрисидаги масалани муҳокама қилишга ўтади. Бу масала юзасидан ахборот бериш учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Ш. Р. Рашидовга** сўз берилади.

## Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ш. Р. Рашидов нутқи

Депутат ўртоқлар! Бундан уч кун илгари Қозоғистон ССР Олий Совети Жанубий Қозоғистон областининг Бўстондиқ районини ва Мирзачўл ерларининг бир қисмини Ўзбекистон ССР составига ўтказиш тўғрисида якдиллик блан қарор қабул қилди. **(Давомли қарсаклар).**

Бу тарихий актнинг республикамиз учун катта хўжалик аҳамияти бор. Шу блан бирга бу тарихий акт совет халқларининг бутун кўпмиллатли оиласи ҳаётида ҳам муҳим сиёсий воқиадир.

Социализм ғалаба қилган, Коммунистик партиянинг ленинча миллий сиёсати оғишмай амалга оширилаётган бизнинг мамлакатимиздагина суверен иттифоқчи республикалар ўртасида ўзаро манфаатларга асосланган ана шундай қардошларча ҳамкорлик бўлиши мумкин.

Бўстондиқ районини ва Мирзачўл территориясининг бир қисмини Ўзбекистон ССР га бериш тўғрисида Қозоғистон ССР Олий Советининг чиқарган қарори халқларимизнинг қардошларча дўстлиги бузилмас дўстлик эканлигини кўрсатучи янги далилдир.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутатлари номидан, республиканинг барча меҳнаткашлари номидан қардош Қозоғистон делегациясига ва бу делегация орқали бутун қозоқ халқига самимий салом ва энг яхши тилаклар айтишга ҳамда бизга кўрсатган ёрдамлари учун зўр ташаккуримизни изҳор қилишга ижозат бергайсиз. **(Гулдурос қарсаклар).**

Ўзбек халқи қозоқ халқининг хўжалик ва маданий қурилишидаги муваффақиятларини катта хайрихоҳлик ва самимий мамнуният блан кузатиб бормоқда. Азиз қозоқ дўстларимиз, сизларнинг ажойиб муваффақиятларингизни кўриб, чин кўнгилдан қувонмоқдамиз, чунки қардошларимизнинг муваффақиятлари — бизнинг муваффақиятларимиздир, сизларнинг хурсандчилигингиз — бизнинг хурсандчилигимиздир, бизларнинг меҳнатимиз сингари сизларнинг меҳнатингиз ҳам умумхалқ ишига — коммунизм қурилишига хизмат қилади.

Қозоқ халқининг ҳаёти ижодий меҳнат ғайрати блан тўлиб-тошгандир. Қозоғистоннинг бепоён қирларида миллион-миллион гектар қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилмоқда! Қўриқ ерларда, Қозоғистоннинг янги совхозларида Москва ва Ленинграддан, Тошкент ва Фрунзедан, Рига ва Кишиневдан юборилган кишилар — Совет Иттифоқидаги барча республикаларнинг вакиллари ёнма-ён туриб меҳнат қилаётганликлари тўғрисида гапирганимизда қувонмаслик мумкинми, ахир! **(Давомли қарсаклар).**

Мамлакатимиздаги ҳамма халқларнинг муваффақиятлари сингари ўзбек ва қозоқ халқларининг ҳам барча муваффақиятлари Коммунистик партиянинг раҳбарлиги остида, мамлакатимизда ленинча доно миллий сиёсат амалга оширилганлиги натижасида, улуғ рус халқининг ва СССРдаги барча халқларнинг жуда катта беғараз ёрдами туфайли қўлга киритилганлиги ҳамиша ёдимиздадир.

Мирзачўл ерларининг бир қисмини ва Бўстондиқ районини Ўзбекистонга бериш тўғрисида Қозоғистон ССР Олий Советининг чиқарган қарори умумдавлат манфаатларини кўзлаб чиқарилган қарордир ҳамда ўзбек халқининг пахтачиликни юксалтириш учун олиб бораётган курашида унга қардошларча берилган ёрдамдир.

КПСС XX с'ездининг олтинчи бешйиллик план юзасидан Директиваларн проектида пахта етиштиришни бундан буён ҳам анча кўпайтириш кўзда тутилган. Бу вазифани бажариш учун республика пахтакорлари ва барча меҳнаткашларининг зўр бериб ишлаши талаб қилинади.

Мирзачўл ерларининг бир қисми Ўзбекистон ССРга ўтказилиши сабабли Ўзбекистон ССР Сирдар'ё—Мирзачўл—Жиззах районида дун'ёда энг йирик яхлит пахтазор массивга эга бўлади. **(Қарсаклар).**

Мирзачўл ерларини ўзлаштириш кенг миқ'ёсда сув хўжалиги, ишлабчиқариш ва уй-жой бинолари қуриш ишларини ўтказишни, янги пахтакор совхозлар ва колхозлар ташкил этишни талаб қилади. Янги ўзлаштириладиган ерларда барпо этиладиган посёлкаларни яқин йиллар ичида телефонлаштириш ва радиолаштириш керак бўлади. Шу тариқа Мирзачўлнинг қиёфаси бутунлай ўзгаради, у гуллаб турган воҳага айланади ҳамда халқимиз севиб оқ олтин деб ном берган пахтани Ватанга етиштириб беради.

Депутат ўртоқлар! Бўстондиқ райони Тошкент областига чегарадошдир, республикамиз пойтахти бўлган Тошкент шаҳри ва Чирчиқ, Янгийўл, Оҳангарон, Олмалиқ, Бекобод сингари катта саноат марказларига яқин жойдадир.

Ҳозирги вақтда Сталин номидаги Чирчиқ электрохимия комбинатига қарашли асосий ва ёрдамчи корхоналарнинг бир қисми, Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигининг ойна заводи, Товоқсой гидроэстанцияси, Чирчиқ ГЭС каскадининг бош узели ва бирқанча бошқа корхоналар, шунингдек бирнеча санаториялар ва дам олиш уйлари Бўстондиқ районининг территориясида жойлашган.

Бўстондиқ районида яйлов ерлар борлиги Тошкент области колхозларида чорвачиликни янада ривожлантириш учун қулай шароит вужудга келтиради.

Бу районнинг табиий-иқлим шароитлари: унинг тоғлиқ хушҳаво жойлари, булоқ сувлари, хилма-хил ўсимликлар ўсиб турган хушманзара жойлари — мана шуларнинг ҳаммаси Бўстондиқ районини республикамиз шифохонасига айлантиришга, бу районда Ўзбекистон меҳнаткашлари учун кўп санаториялар, дам олиш уйлари ва пионер лагерьлари ташкил этишга имкон беради.

Бундан ташқари, Бўстондиқ райони территориясида Тошкент, Чирчиқ шаҳарларининг аҳолисини ҳамда шу райондаги курортларни та'минламоқ учун катта сабзавотчилик базаси вужудга келтирилади.

Депутат ўртоқлар, шу сессияда Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ташенов бошчилигида қатнашаётган Қозоғистон ССР Олий Совети депутатлари орқали Қозоғистон ССР Олий Советига ва Қозоғистон Совет Социалистик Республикасининг барча меҳнаткашларига бизга қардошларча беғараз ёрдам берганликлари учун бутун ўзбек халқи номидан чин қалбдан ташаккур айтишга ва севикли социалистик Ватанимизнинг бахт-саодати йўлида Қозоғистон республикасининг экономикасини ва маданиятини янада ривожлантиришни тилаб самимий истакларимизни билдиришимга ижозат берингиз. **(Қарсаклар).**

Яшасин СССР халқларининг бузилмас қардошларча дўстлиги!

Яшасин ва яшнасин улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

Улуғ Коммунистик партиямизга шоншарафлар бўлсин! **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

## Депутат В. Ҳайдаров нутқи

Ўртоқлар!

Мен Қозоғистон ССР Олий Советининг сессиясида қатнашган Ўзбекистон делегацияси составидаги депутатлардан бири бўлганим учун бу масала муҳокама қилинган вақтда Қозоғистон ССР Олий Советининг депутатлари ўз фикрларини якдиллик блан билдирганликларини ва ўзларининг дўстлик ҳисларини изҳор қилганликларини сизларга айтиб ўтмоқчиман.

Қозоғистон ССР Олий ҳокимият органининг бу масала бўйича сўзга чиққан депутатларининг ҳаммаси шу ерларни Ўзбекистонга ўтказиш масаласини умумдавлат манфаатларига асосланиб, қозоқ ва ўзбек халқларининг энг муҳим манфаатларига асосланиб ҳал қилишни астойдил истаганликлари тўғрисида самимият ва мамнуният блан гапирдилар. Депутатлар ўзбек ва қозоқ халқларининг Мирзачўл ерларини ўзлаштириб обод қилиш учун кўп йиллардан бери биргалашиб курашиб келаётганликларини, Сирдар'ё сувларидан чўлларни суғориш учун фойдаланиб, янги ерларни боғ-бўстон ва экинзорларга айлантириш соҳасида биргаликда иш олиб борилганлигини айтиб бердилар.

Сўзга чиққан депутатларнинг ҳаммаси мазкур районларнинг қардош Ўзбекистон республикасига берилиши учун якдиллик блан фикр билдирдилар.

Ўзбекистон делегациясининг раҳбари— Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Шароф Рашидовнинг нутқини Қозоғистон ССР Олий Совети сессияси қатнашчилари ғоят хурсанд бўлиб тингладилар.

Қозоғистон ССР Олий Совети Жанубий Қозоғистон областининг Бўстондиқ районини ва Мирзачўл территориясининг бир қисмини Ўзбекистон составига ўтказишни СССР Конституциясининг 14-нчи моддасига мувофиқ ССР Иттифоқи Олий Совети Президиумидан илтимос қилиш тўғрисидаги қарорни ниҳоят даражада якдиллик блан қабул қилди.

Депутат ўртоқлар!

Фақат социалистик Ватанимиз шароитидагина, СССР халқларининг бузилмас бирлиги ва дўстлиги шароитидагина мана шундай дўстона иш бўлиши мумкин.

Мен саноат шаҳри бўлган Чирчиқ меҳнаткашлари номидан қозоқ халқига мазкур ерларни Ўзбекистонга ўтказиш масаласини олий ҳимматлик ва қардошлик блан ҳал қилганлиги учун яна бир марта қизғин ташаккур айтишни зарур деб ҳисоблайман.

Қозоқ халқининг шу сессияда қатнашаётган вакилларини ишонтириб айтаманки, Ўзбекистон меҳнаткашлари қозоқ халқининг яхши қўшничилик блан қилган бу дўстона ишини ғоят ҳурматлайди ва ҳар иккала республика халқлари ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлашга чин кўнгилдан ҳаракат қилади. **(Давомли қарсаклар).**

Депутат ўртоқ **И. Каримов** минбарга чиқади.

---

Нутқлар қисқартирилган стенограмма бўйича берилди.

## Депутат И. Каримов нутқи

Депутат ўртоқлар! Бўстондиқ райони территориясини ва Мирзачўл ерларининг бир қисмини Ўзбекистон республикасига бериш тўғрисида Қозоғистон ССР Олий Советининг чиқарган қарори бутун ўзбек халқини хурсанд қиладиган воқиадир. Бу қарор социалистик миллатлар ўртасидаги улуғ бирликни, мамлакатимиздаги барча халқлар ўртасидаги қардошлик иттифоқини ва ўртоқларча ҳамкорликнинг енгилмас кучини яққол кўрсатучи далилдир.

Қозоқ ва ўзбек халқлари Мирзачўлни ўзлаштириш ишига ҳам кўп куч сарф қилдилар. Улар сувсиз қақраб ётган бу чўлга йил сайин сув чиқариб, уни қадамба-қадам ўзлаштириб, Мирзачўлни йилдан-йилга яшнаб бораётган экинзор ва боғ-бўстонга айлантирмоқдалар. Ҳозир Мирзачўлдаги ерларнинг бир қисми Ўзбекистон ССР составига ўтказилиши блан бу чўлни биргаликда яна ҳам уюшқоқлик блан обод қилиш учун қўшимча имкониятлар вужудга келади. Шу тариқа бу чўл ўзгартирилади ва суғориладиган деҳқончиликнинг маданий воҳасига айлантирилади.

Ўзбекистон Совет Иттифоқининг асосий пахта базасидир. Шу сабабли биз Мирзачўлда янги ерларни тезроқ ўзлаштириш, шу унумдор ерларда пахтадан мўл ҳосил олишга эришиш учун ўзимизнинг бутун кучимизни ва билимимизни сарфлашимиз лозим.

Бизнинг Сирдар'ё районимиз, шунингдек Мирзачўл, Боёвут, Жиззах, Ховос, Зомин районлари Мирзачўлга бевосита туташган районлардир. Бу янги ерларни ўзлаштиришда ташаббусчи бўлиш шу районлардаги меҳнаткашларнинг ватанпарварлик бурчидир.

Мирзачўл ерларини ҳозирги вақтда шимол томондан Қозоғистон меҳнаткашлари ва жануб томондан Ўзбекистон меҳнаткашлари ўзлаштирмоқдалар. Яқин келгусида Мирзачўл ерларининг ҳаммаси меҳнаткаш совет кишиларининг иродаси блан экинзор ва боғ-бўстонга айлантирилади. **(Қарсаклар).**

Депутат ўртоқлар! Бу масала устида Ўзбекистон ССР Олий Совети қарорининг проекти тасдиқлансин деган таклифга мен ҳам қўшиламан.

Яшасин Совет Иттифоқи халқларининг бузилмас бирлиги ва дўстлиги!

Яшасин Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг доно миллий сиёсати! **(Давомли қарсаклар).**

Раислик қилучи депутат **Б. В. Поповга** сўз беради.

## Депутат Б. В. Попов нутқи

Депутат ўртоқлар!

Совет Иттифоқи халқлари Коммунистик партиянинг асосчиси В. И. Ленин та'лимотига амал қилиб, интернационал алоқаларни мустаҳкамламоқдалар, ҳарбир иттифоқчи республика олдида турган вазифаларни бажаришда бир-бирларига кўмаклашмоқдалар ва қардошларча ёрдам бермоқдалар.

Депутат ўртоқлар! Ўзбек халқи Жанубий Қозоғистон областининг Бўстондиқ районини ҳамда Мирзачўл территориясининг бир қисмини Ўзбекистон ССР составига ўтказиш тўғрисида Қозоғистон ССР Олий Совети сессиясининг чиқарган қарорини чуқур мамнуният блан кутиб олди. Қозоғистон ва Ўзбекистон халқларини социалистик Ватанимиз бахт-саодати йўлида биргаликда қилинаётган ижодий меҳнат бир-бирларига боғламоқда.

Қозоғистон ССР составида бўлган Бўстондиқ райони ва Мирзачўл территориясининг бир қисми географик ва иқтисодий жиҳатдан Тошкент области блан жуда яқин боғлангандир. Бу территорияларнинг Ўзбекистон ССР составига ўтказилиши Тошкент области экономикасини янада кўпроқ юксалтириш имкониятини беради.

Бугун, Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессияси очилган кунда биз қозоқ халқига оташин салом юборамиз. Биз қозоқ биродарларимизга ва ҳамшираларимизга чин кўнгилдан, бутун қалбимиздан айтамизки, сиз дўстларимиз блан абадий бирга бўламиз!

Депутат ўртоқлар! Жанубий Қозоғистон областининг Бўстондиқ районини ва Мирзачўл территориясининг бир қисмини Қозоғистон ССР составидан Ўзбекистон ССР составига ўтказишни СССР Олий Совети Президиумидан илтимос қилиш тўғрисида Қозоғистон ҳукуматининг чиқарган қарорини қўллаб-қувватлайлик деб таклиф қиламан.

Областимиз меҳнаткашлари Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарлиги остида олтинчи бешйиллик планни муддатидан олдин бажариш учун, мамлакатни пахта блан тўла равишда та'минлаш учун, хўжаликни ва маданиятни зўр куч блан юксалтириш учун, СССР халқларининг дўстлигини ва пролетар интернационализмини мустаҳкамлаш учун, тинчлик ва халқаро ҳамкорликнинг таянчи бўлган Совет Социалистик давлатининг қудратини мустаҳкамлаш учун, мамлакатимизда коммунизм ғалабаси учун кунт блан курашишни ўзларининг ватанпарварлик бурчлари деб биладилар.

Қардош Қозоғистон вакилларини ишонтириб айтамизки, Тошкент области меҳнаткашлари партиямиз Марказий Комитети ва Совет ҳукумати томонидан қўйилган вазифаларни шараф блан бажармоқ учун бутун кучларини сарф қиладилар. **(Давомли қарсаклар).**

Депутат шоир **Ғафур Ғулом** жўшқинланиб нутк сўзлайди.

## Депутат Ғафур Ғулом нутқи

Депутат ўртоқлар, ҳурматли меҳмонлар! Икки қардош халқ—қозоқ ва ўзбек халқларининг тарихига сра унутилмас шарафли бир воқиа ёзилаётган қимматли пайтларнинг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Ҳамиша ўз қўл очиқлиги блан шуҳрат қозониб келган қозоқ халқи бу навбат ҳам ўз биродарлик шафқатини, бағри кенг ўтағасилигини намойиш қилди. У ўз территориясидан Бўстондиқ райони ва Мирзачўлдан бир бўлак ерни ўзбекларга тақдим қилишга қарор берди.

Қозоқларда «ўзбек эли ўз оғам» деган сўз бор, ўзбекларда эса «йўлдошинг қозоқ бўлса, йўлингдан адашмайсан». «Қозоқ кўзи — темир қозиқ юлдузи» деган ҳикматли гап бор.

Октябрь тонги йўлимизни ёритганда биз ўзбеклар, қозоқлар, тожиклар, туркманлар, қирғизлар, қорақалпоқлар — совет шарқи деб аталучи халқлар темир қозиқ юлдузига, я'ни шимол юлдузига, я'ни Москва юлдузига қараб йўл олдик, адашмадик. Бахтимиз қутбининг юлдузлари — Кремль юлдузлари, халқларимиз мўлжал олган йўл—коммунизм уфқидай порлайди.

Минг йиллар зиҳнлар қилолган ижод
Инсоний етуклик қутби Москва
Халқлар умидининг лутфи Москва,
Шунга умтилади бутун одамзод.
Москва мазмунин тугал билмакка
Ленин томларини ўқимоқ керак.
Озод инсонларнинг зафар йўлига
Қуёшдан поёндоз тўқимоқ керак.
Москва ўргатган биродарликнинг
Мазмунин қамраган дилимиз блан
Ленин та'лим берган билим туфайли
Ҳаммамиз тушунган тилимиз блан.

— От всего сердца спасибо Вам, дорогие друзья казахи! **(Давомли қарсаклар).**

Қариндошим, қаламдошим, туғишганим, тенгдошим Собит деган қозоқ халқ оқинини ўзбек элида танимайдиган киши йўқ. «Қўй келади кўзи блан, бир-бирининг изи блан» деганларидай, ота Жамбулдан сўнг из босган бизнинг Собит Муқонимиз қозоқ халқининг янги ҳаётини куйламоқда. Мен у блан бир қирда от қувишиб, бир гурингда жирлашиб, бир ўтовда қимиз шопирган ўзбек оқиниман.

Дўстим Собит Қозоғистон республикаси Олий Советининг кечаги сессиясида «Ўзбекларга Мирзачўлни сепсиз қиз қилиб узатаётипмиз, ўзбек халқи бу қизни гуллар блан безатар» деган экан. Бу блан Собит мени айтисувга чақирган чиқар. Куёвларга хос та'зим блан айтадиган сўзим шу:

Ўзбеклар ўргулади унинг кўз қороғидан,
Олтин жиға тақамиз Фарҳод ГЭС чароғидан,
Кумуш камар боғлаймиз Сирдар'ё каналидан,
Чўл гулистон бўлади бу келин жамолидан.
Тиллақоши ўрнига лолалардан гулчамбар,
Ям-яшил пахтазорлар унга безак бўладн.
Янги обод қишлоқлар уй-жойи бўлса агар,
Қалб тўла меҳримизни сепи десак бўлади.
Бўстондиқ районини етук бир йигит— депсан,
Мен уни ичкуёв деб қабул қилганим бўлсин.
Бизнинг орзумиз шулки, келажак чаманлари
Бизга набира бўлган янги авлодга тўлсин.
Халқимизнинг чинакам Бўстон шифохонаси,
Бўстондиқ ўз исмини умрлар оқлай олур.
Яшил арчазорларни, инжудай булоқларни,
Бахмалдай ўтлоқларни ўзбек ардоқлай олур.
Бахтли ўзбек халқининг шу олий минбаридан
Ташаккур айтаман кўкларга етиб бошим,
Халқимизнинг қадимий эзгу одати блан
Белингдан қучиб қўяй, кел, ҳурматли қардошим!

**(Давомли қарсаклар).**

Ғафур Ғулом шу сўзларни айтиб, Қозоғистон делегацияси а'золарини қучоқлаб қутлайди. Залда яна гулдурос қарсаклар бошланади.

Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси **Ж. А. Ташенов** минбарга чиқади.

## Қозоғистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ж. А. Ташенов нутқи

Азиз ўртоқлар, дўстлар — шонли ўзбек халқининг вакиллари! Қозоғистон Коммунистик партиясининг Марказий Комитети, Қозоғистон ССР Олий Советининг Президиуми ва Министрлар Совети номидан, Қозоғистон Совет Социалистик Республикасининг барча меҳнаткашлари номидан Сизларга ва сизлар орқали қардош ўзбек халқининг ҳаммасига оташин салом айтишга, Ўзбекистон меҳнаткашларига коммунистик қурилишнинг ҳамма участкаларида энг яхши муваффақиятлар тилашга ижозат берингиз. **(Давомли қарсаклар).**

Республикамиз Олий Советининг шу йил 20—21 январь кунлари бўлиб ўтган иккинчи сессияси Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети Президиумининг территория — ма'мурий ва ер масалалари тўғрисидаги илтимосини кўриб чиқди.

Коммунистик партия миллий сиёсатининг оғишмай амалга оширилаётганлиги туфайли, улуғ рус халқининг ва бошқа барча қардош халқларнинг доимий ёрдами туфайли Қозоғистон кўмир ва нефть, рангли ва қора металлургия республикасига, қудратли деҳқончилик ва чорвачилик республикасига, маданияти ва фани юксак даражада ривожланган республикага айланди.

Қозоғистон меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети Пленумларининг тарихий қарорларини бажарабориб, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет ҳукуматининг раҳбарлиги остида ва доимий ёрдами блан кейинги икки йил ичида республика қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш соҳасида жуда катта ишларни бажардилар. 1954—1955 йилларда 18 миллион гектардан кўпроқ қўриқ ва бўз ер очилди, 337 та янги ғалла совхози ташкил қилинди. Қозоғистон колхозлари ва совхозларининг бутун экин майдони 1953 йилда 9 миллион гектар бўлган бўлса, 1956 йилда 27 миллион гектарга етади. Қозоғистон Совет Иттифоқининг дон ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириб берувчи асосий районларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбек халқи ҳам ўз республикасининг экономикасини ва маданиятини ривожлантиришда жуда катта муваффақиятларга эришди. Эндиликда Совет Ўзбекистони юксак даражада ривожланган индустриал — колхоз республикаси бўлиб қолди.

Биз ўзбек халқининг пахта етиштиришдаги бой тажрибаларига юксак баҳо берамиз, ўзбек халқи ўзининг бу тажрибаларини қозоқ халқига муттасил ўргатиб келмоқда. Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари пахта етиштиришни анча кўпайтириб, айни вақтда қишлоқ хўжалигининг бошқа ҳамма тармоқлари берадиган ялпи ва товар маҳсулотни ҳам кўпайтиришни мўлжаллаётганликларини эшитиб қувондик.

Қозоғистон ССР Олий Совети Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари олдида пахтачиликни янада ривожлантириш соҳасида турган вазифаларнинг муҳимлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг илтимосини қондиришга ва Жанубий Қозоғистон областининг Қизилқум ҳамда Пахтаорол районларига қарашли бўлган ва 1936 йилдан бери Ўзбекистон ССРнинг колхозлари ва совхозлари фойдаланиб келаётган 329 минг гектар ерларни, Мирзачўлда пахтабоп ерларнинг жуда катта массивларини Қозоғистон ССР составидан Ўзбекистон ССР составига ўтказишга, шунингдек Жанубий Қозоғистон областининг 540 минг гектарга яқин ерни эгаллаган ва 53 минг кишидан кўпроқ аҳоли яшаб турган Бўстондиқ районини Ўзбекистон ССР составига ўтказишга қарор қилди. Бўстондиқ районида 16 та колхоз ва 2 МТС бор.

Шу территорияларнинг Ўзбекистон ССР составига ўтказилиши ва қўшилиши экономиканинг умумийлигига, Ўзбекистон ССР блан Қозоғистон ССР ўртасида хўжалик ва маданий алоқаларни янада мустаҳкамлаш манфаатларига мос бўлиб тушади. 499 минг гектар ернинг ва бундан ташқари бутун Бўстондиқ районининг Ўзбекистон ССР составига ўтказилиши ва қўшилиши қозоқ халқининг ўзбек халқига бўлган чексиз ишончи ва муҳаббатини кўрсатучи далилдир, мамлакатимиз халқлари ўртасида вужудга келган қардошлик муносабатларининг яққол далилидир. **(Давомли қарсаклар).**

Фақат социалистик Ватанимиз шароитидагина, СССР халқларининг бузилмас бирлиги ва дўстлиги шароитидагина мана шундай дўстона иш бўлиши мумкин. Коммунистик партия мамлакатимиздаги халқларнинг ҳаммасини битта аҳил оила қилиб бирлаштирди, бу оилада ҳечқандай территориал да'волар, бошқаларнинг ҳисобига манфаат кўриш истаги бўлмайди ва бўлиши ҳам мумкин эмас, бу оилада ҳамма масалалар, шу жумладан территория масалалари ҳам чинакам тенгҳуқуқлилик, ўзаро ишонч ва қардошларча ҳамкорлик руҳида ҳал қилинади. Бу иш қозоқ ва ўзбек халқларининг манфаатларига ҳамда Совет Иттифоқининг умумий давлат манфаатларига мос бўлиб тушади.

— СССР халқларининг бутун тарихий тажрибаси, — дейди проварди да ўртоқ Ташенов, — улар ўртасидаги дўстликнинг жуда катта аҳамиятини, Коммунистик партия раҳбарлиги остида социализм қурган ва эндиликда коммунизм тантанаси сари ишонч блан олға бораётган мамлакатимиздаги барча халқлар ўртасидаги қардошлик иттифоқи ва ўртоқларча ҳамкорликнинг енгилмас кучини яққол кўрсатиб турибди.

Яшасин мамлакатимиз халқларининг абадий дўстлиги! Яшасин совет халқи эришаётган барча ғалабаларнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси! **(Гулдурос, давомли қарсаклар).**

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари депутат **Н. А. Муҳиддиновга** сўз берилади.

## Депутат Н. А. Муҳиддинов нутқи

Ўртоқлар! Ўзбек ва қозоқ халқлари катта самимий дўстлик алоқалари блан чамбарчас боғланган. Қозоқ, ўзбек халқларининг ва мамлакатимиздаги барча халқларнинг дўстлиги Совет Социалистик тузуми шароитида ўсиб қудратли, енгилмас кучга айланди. Пролетар интернационализмининг улуғ ленинча принципларига содиқ бўлган қардош социалистик миллатлар иттифоқчи республикаларнинг ишлабчиқарувчи кучларини ривожлантиришда, коммунистик қурилишдан иборат гўзал тарихий ишда бир-бирларига беғараз ёрдам бермоқдалар.

СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг олтинчи бешйиллик плани юзасидан КПСС XX с'езди Директиваларининг яқинда э'лон қилинган проектида Ўзбекистон олдига олтинчи бешйилликда пахта етиштиришни бир ярим баравар кўпайтиришдан иборат жуда муҳим, мас'улиятли вазифа қўйилди. Бу улуғвор пландан руҳланган меҳнатсевар ўзбек халқи совет халқларининг қардошлик ёрдамига суяниб бу вазифани шараф блан бажаришига шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Ўзбекистон — мамлакатнинг асосий пахта базасидир. Пахта ўзбек халқининг миллий ифтихоридир. Ўзбек халқи учун мамлакатни пахта блан тобора кўпроқ та'минлашдан ҳам кўра муҳимроқ ва мас'улиятлироқ ватанпарварлик бурчи йўқ.

Бизнинг республикамизда пахта ва бошқа экинлар асосан суғориладиган ерларда экилади. Шу сабабли суғориладиган деҳқончилик бойлигимизнинг асосидир. Ўзбек халқи сув хўжалиги ишлари блан, далаларни суғориш блан неча минг йиллардан буён шуғулланиб келмоқда. Ўзбекистон — энг катта ирригация иншоотларининг ватанидир.

Бизнинг халқимиз қадим замонлардан бери катта-катта ирригация иншоотлари қуриш блан шуғулланиб келди ва бу соҳада кўп тажриба ортдирди. Сув хўжалиги қурилиши Совет ҳокимияти даврида мисли кўрилмаган даражада авж олиб кетди.

Қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ошириш социалистик деҳқончиликнинг асосий вазифасидир. Пахта ҳосилдорлигини бутун чоралар блан ошириш пахтачилик соҳасида бизнинг марказий вазифамиздир. Бу вазифанинг ҳал қилиниши тупроқнинг унумдорлигини оширишга, деҳқончилик маданиятини юксалтиришга кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бунинг учун ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш, суғориладиган ерларда деҳқончиликни намунали уюштириш керак.

Пахта ҳосилдорлигини ошириш блан бирқаторда ва пахтачиликни, бедачиликни янада ривожлантириш, сабзавот, картошка ва полиз экинларини, шоликорлик ва чорвачилик маҳсулотларини янада кўпайтириш манфаатларини кўзлаб сув хўжалиги ишларини кенг миқ'ёсда амалга ошириш, сув ресурсларини кўпайтириш, суғориладиган майдонларни кенгайтириш ва суғориладиган ерларда деҳқончилик маданиятини юксалтириш зарур. Олтинчи бешйилликда ирригация ва мелиорация ишлари соҳасида, янги ерларни ўзлаштириш, пахтачиликни янги ва мукаммал техника блан та'минлаш соҳасида жуда катта ишларни бажариш кўзда тутилади. Шуни айтиб ўтиш кифоядирки, олтинчи бешйилликда Ўзбекистондаги сув хўжалик қурилишига бешинчи бешйилликдагига қараганда икки баравардан кўпроқ маблағ сарфланади. Мирзачўл ерларининг бир қисми Ўзбекистон ССР составига қўшилиши пахта етиштиришни янада кўпайтириш учун кураш ишига қўшилган катта ҳиссадир.

Ўртоқ Муҳиддинов депутатларга эслатиб айтдики, Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси В. И. Ленин Мирзачўлни ўзлаштириш тўғрисидаги тарихий декретни 1918 йил 14 майдаёқ имзолаган эди.

Сиз блан бизнинг, Ўзбекистондаги барча меҳнаткашларнинг зиммасига,—дейди у, — йўлбошчимиз ва устозимиз улуғ Лениннинг Мирзачўлни ўзлаштириш ва уни боғ-бўстонга айлантириш тўғрисидаги тарихий режаларини тўла равишда амалга оширишдек шарафли вазифа тушди. **(Қарсаклар).**

Бу ерларни ўзлаштирмоқ учун тегишли ирригация ва хўжалик ишларини амалга ошириш блан, яқин вақт ичида Марказий Мирзачўл канали зонасида 75 минг гектарга яқин ерни, сўнгра эса Марказий ва Жанубий Мирзачўл каналларининг суви блан суғориладиган 150 минг гектардан кўпроқ ерни пахтазорга айлантиришимиз мумкин бўлади.

Мирзачўл ерларининг бир қисми қардош Қозоғистон республикасидан бизга ўтиши мана шундай натижаларга олиб келади, ўртоқлар.

Бўстондиқ районининг Ўзбекистон ССР га қўшилиши катта аҳамиятга эгадир. Биз бу районда Тошкент учун ва республиканинг бошқа саноат марказлари—Оҳангарон ва Чирчиқ шаҳарлари учун кучли озиқ-овқат базаси вужудга келтиришни мўлжаллаймиз. Суғориладиган мавжуд ерлардан фойдаланиб ва суғориш ишларини янада ривожлантириб, 15 минг гектар ерга картошка, сабзавот ва озуқа экинлари экиш мумкин ва лозим. Бунинг ҳисобига бошқа районлардаги ерларнинг бир қисмига шоли экишимиз мумкин. Бўстондиқ районида 300 минг гектардан кўпроқ пичанзор ва яйлов бор. Бу эса маҳсулдор чорвачиликни ривожлантирмоқ учун, Тошкент меҳнаткашларига ва теварак-атрофдаги бошқа саноат шаҳарларига гўшт-сут базаси вужудга келтириб бермоқ учун катта манба' бўлади. Бўстондиқ районидаги тоғ бағирларида, дарахтзорлар ва мевазорлар орасида республика меҳнаткашлари учун жуда кўп шифохоналар барпо қилишимиз мумкин.

Республика Олий Совети Қозоғистон ССР дан ўтказилаётган Бўстондиқ районини ва Мирзачўл ерларининг бир қисмини Ўзбекистон ССР составига қўшиш тўғрисидаги қарорни ўртоқ Муҳиддинов таклифи блан бир овоздан қабул қилади.

Ўртоқ Муҳиддинов қардош қозоқ халқига ташаккур билдириб хат юборишни таклиф қилганида унинг бу таклифи гулдурос овация блан ма'қулланади. Ўзбек халқининг энг яқин қўшниси бўлган қозоқ халқига катта ер майдонларини Ўзбекистонга олий ҳимматлик блан берганлиги учун самимий ташаккур билдириб ёзган хати жуда катта якдиллик блан қабул қилинади.

Ўртоқ Муҳиддинов, сессия қатнашчилари номидан ССР Иттифоқи Олий Совети Президиумига, ССР Иттифоқи Министрлар Советига ва Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига мактуб юборишни таклиф қилганида овация яна кучайиб кетади.

Ўзбекистон ССР блан Қозоғистон ССР ўртасидаги республика чегараларини ўзгартириш масаласини муҳокама қилиш шу блан тугайди. Олий Совет кун тартибидаги навбатдаги масалани муҳокама қилишга ўтади.

Олий Совет Раиси О. Ҳ. Ҳакимов Ўзбекистон ССРнинг 1956 йилги Давлат бюджети тўғрисида доклад қилмоқ учун республика Молия министри депутат **Н. Исомиддиновга** сўз беради.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Бюджет комиссиясининг раиси депутат **Т. Рўзибоев** қўшимча доклад қилади.

Шу блан Олий Советнинг 24 январьдаги мажлиси тугайди. 25 январьда сессия ўз ишини давом эттиради. (ЎзТАГ).

